



**"Қамчиқавтойўл" ИЙФУКнинг умумий фойдаланишдаги
автомобиль йўлларини сақлаш ишларига 2022 йил 1-чораги учун вақтинчлик
ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ**

МННГ.СЎМ

№	Корхона номи	км	Бўлим ва кичик бўлим	Боб	Топфа	Модда ва кичик модда	Элемент	2022 йил 1- чорақ режаси.	Жами	I-чорақ			март
										январь	февраль	шу жумладан	
IV гуруҳ харajatлари - Бошка харajatлар													
1	"Қамчиқавтойўл" ИЙФУК	248,3	7 045 160	118	42	33	000	10 540 000,000	10 540 000,000	3 660 001,000	3 219 999,000	3 660 000,000	
	Халқаро аҳамиятдаги йўллар	126,0	7 045 161	118	42	33	100	9 418 806,000	9 418 806,000	3 272 935,000	2 872 935,000	3 272 936,000	
	Давлат аҳамиятдаги йўллар	44,3	7 045 162	118	42	33	100	556 538,000	556 538,000	192 180,000	172 179,000	192 179,000	
	Маҳаллий аҳамиятдаги йўллар	78,0	7 045 163	118	42	33	100	564 656,000	564 656,000	194 886,000	174 885,000	194 885,000	
	<i>Шундан бошқарув атқаритилин сақлаш учун</i>							0,000	0,000				
2	Қуриелаш хизмати халқаро йўллар	0,0	7 045 160	118	42	33	000	13 106 592,000	13 106 592,000	4 368 864,000	4 368 864,000	4 368 864,000	
	КВ ОКО МО РУ Қуриелаш хизмати, (99216 харбий хисм ВОХР)		7 045 161	118	42	93	000	12 331 605,000	12 331 605,000	4 110 535,000	4 110 535,000	4 110 535,000	
	ЎЗР Миллий гвардияси ИВҚБ Сырдарё кўпирганин қуриелаш хизмати		7 045 161	118	42	93	000	774 987,000	774 987,000	258 329,000	258 329,000	258 329,000	
	"Қамчиқавтойўл" ИЙФУК бўйича жами	248,3						23 646 592,000	23 646 592,000	8 028 865,000	7 588 863,000	8 028 864,000	
	Халқаро аҳамиятдаги йўллар	126,0						22 525 398,000	22 525 398,000	7 641 799,000	7 241 799,000	7 641 800,000	
	Давлат аҳамиятдаги йўллар	44,3						556 538,000	556 538,000	192 180,000	172 179,000	192 179,000	
	Маҳаллий аҳамиятдаги йўллар	78,0						564 656,000	564 656,000	194 886,000	174 885,000	194 885,000	
	<i>Шундан бошқарув атқаритилин сақлаш учун</i>							0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	

Автомобиль йўлларини фойдаланиш ва
техник ҳолатини таъмин қилиш
бошқармаси бўлими

И.Хожиев

2022 й

2022 й

"ТАСДИКЛАЙМАН"
"КАМЧИКАВТОЙУЛ" ИЙФУК
бош мухандиси



Handwritten signature О.Нематов

_____ 2022 й.

Давлат ахамиятдаги 4Р-237 "Камчик" ва "Резак" тоннелларини айланиб утиш йули" Жанубий 13 км, Шимолий 9 км а/й., 4 Р-17 Б "А-373 автойулидан Ангрэн шахрига шахобча" 3-7 км., 4 Р-184 Ангрэн шахрига айланма 0-16 км. ва 4 Р-17 В А-373 автомобиль йулидан Ангрэн кумир конини айланиб утиш шахобча 2-7 км.оралигида 2022 йил I-ЧОРАК учун бажариладиган САКЛАШ ишлари

СМЕТАСИ

№	НАИМЕНОВАНИЕ ЗАТРАТ	Цена
		(тыс.сум)
1	ЗАТРАТЫ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ, ИЗДЕЛИЯ И КОНСТРУКЦИИ	15 967,075
2	ЗАТРАТЫ НА ОСНОВНУЮ ЗАРАБОТНУЮ ПЛАТУ С УЧЕТОМ НАЧИСЛЕНИЙ НА СОЦИАЛЬНОЕ СТРАХОВАНИЕ	449 604,789
3	ЗАТРАТЫ НА ЭКСПЛУАТАЦИЮ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ	18 374,223
	ИТОГО ПРЯМЫХ ЗАТРАТ	483 946,087
	НДС 15 %	72 591,913
	И Т О Г О С Т О И М О С Т Ъ С Т Р О И Т Е Л Ъ С Т В А В Т Е К У Щ И Х Ц Е Н А Х	556 538,000

ИЧ ва РБ бошлиги

АЙФ ва ККБ бош мутахассиси

Иктисодчи

Handwritten signature
С.Бабамирзаев

Handwritten signature
Б.Сайпиддинов

Handwritten signature
К.Пахиридинов

2022 йил 24 январдаги «Қамчиқавтойўл» ИЙФУК ва «Қамчиқавтойўл» ИЙФУК ўртасида
556 538 000 сўм умумий суммага тузилган 4- сонли шартномага
ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ

Боб 118

Шахсий ғазна ҳисобварақ 304510860142197045162118001

(сўмда)

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури 7 045 162 (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	42 33 100	
Январь	192180000			192180000
Февраль	172179000			172179000
Март	192179000			192179000
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	556 538 000			556 538 000

Жами 556 538 000 (Беш юз эллик олти миллион беш юз уттиз саккиз минг) сўм


сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан _____%
20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига 40% жорий ойнинг 15 санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).



Буюртмачи раҳбари

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

(имзо)

П.Турсунов
Ф.И.О.

Ғ.Олимов
Ф.И.О.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди _____

Буюртмачи ходими
қабул қилди _____

20 __ й. « __ » _____

20 __ й. « __ » _____

ХИЗМАТ КУРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

Камчик довони.

«24» январ 2022 йил

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Камчикавтойул» ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи корхона директори ўринбосари **Ғ.Хусанов** бир томондан ва кейинги уринларда «Хизмат курсатувчи» деб юритиладиган «Камчикавтойул» ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи корхона бош муҳандиси **О.Нематов** иккинчи томондан Давлат аҳамиятдаги 4Р-237 "Камчик ва Резак" тоннелларини айланиб утиш йули: а) Жанубий унг томондан 0-13 км б) Шимолий чап томондан 0-9 км учаскаларида, 4Р-176 «А-373 а/йидан Ангрэн шахри шахобчасига», 4Р-184 а/йинг «Ангрэн шахри айланма йули» автомобил йулларини саклаш ишларини бажаришга доир мазкур Хизмат курсатиш шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

Ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга, тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асобоб-ускуналарнинг яққа тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, саклаш ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари, қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

Қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Хизмат курсатувчига берилган йул участкаси, йул булими базаси ва шу йулга боғлиқ барча йул элементлари ҳамда бошка бинолар қиради;

Беркитилган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини булиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш;

Хизмат курсатувчи – бевосита саклаш ишларини олиб боровчи субъект.

II. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

2. Хизмат курсатувчи мазкур шартнома буйича объектда саклаш ишларини тасдиқланган харажатлар сметасига биноан 2022 йил 1-чорагига ажратилган лимит доирасида бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Хизмат курсатувчи томонидан бажарилган саклаш ишларини қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома буйича «Хизмат курсатувчи» томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган холда амалдаги нархда **556 538 000 (Беш юз эллик олти миллион беш юз уттиз саккиз минг)** сўм, шу жумладан қўшилган қиймат солиғи **72 591 913** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно:

Автомобил йулларини саклаш ишлари қийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;

Ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

5. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Хизмат курсатувчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ХИЗМАТ КУРСАТУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома буйича Хизмат курсатувчи қуйидаги ишларни бажариш учун:

Саклаш ишларини олиб бориш даврида ушбу йул кисмида йул ва йул иншоотлари элементларини соз холда саклайди, бузилишини олдини олади;

Ўзбекистон Республикасининг «Автомобил йуллари тугрисида»ги конунига Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Махкамасининг йулга таълуқли қарорларига ва бошка амалдаги меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларга тулик риоя этилган холда шартнома асосида қабул қилиб олинган автомобил йулларида транспорт воситалари ва йуловчиларнинг кечаю-кундуз хавф-хатарсиз утишини таъминлашни;

Йул ва йул иншоатларини саклашда ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва Буюртмачига топширишда қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва усқуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда, унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмга бажариладиган ишларнинг сметасини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлатади ва шу смета асосида белгиланган муддатларда, узининг қучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган холда сифатли қилиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ойма-ой мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

Йулга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асқоб-усқуналар ва бутловчи буюмлар, бошка хом-ашёлар ва қурилиш техникасини уз вақтида ҳамда, зарур хажмларда етқазиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни амалга оширади;

Мазкур шартнома асосида Хизмат курсатаётган йулда техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни уз вақтида ва тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устида доимий техник назоратни ва мазкур шартномада қайд этилган. Хизмат курсатувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Хизмат курсатувчидан амалда қилинган сарф-харажатларни ва бажарилган ишларни, амалдаги конунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Хизмат курсатувчининг барча мурожаатларини 15 (ун беш) кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Зарур ҳолатларда курилиш материаллари (асфальтобетон, цемент, темирбетон конструкциялари, кум, щебень, в.б) йул техникалари ва транспорт билан таъминлаши мумкин. Молиялаштириш жадвалига биноан Хизмат курсатувчига 2-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

8. Хизмат курсатувчи мазкур шартномада белгиланган ишларни 2022 йил 1 январдан бажаришга киришганлиги, Хизмат курсатувчи билан буюртмачи уртасидаги муносабатлар олдин вужудга келганлиги сабабли, ишларни бажариш муддати 2022 йил 1 январдан бошланади деб ҳисобланади.

9. Мазкур шартнома буйича Хизматлар бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

10. Буюртмачи томонидан Хизмат курсатувчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш (1-илова) ва молиялаштириш (2-илова) жадваллари асос ҳисобланади.

11. Буюртмачи Хизмат курсатувчига шартнома буйича ҳар ойда режалаштирилган иш ҳажмининг 40 фоизигача миқдорда аванс маблағи утказди.

12. Жорий молиялаштириш даврида ажратилган аванс маблағини ҳар ойда амалда бажарилган ишларни тулаш пайтида ушлаб қолинади.

13. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 (уттиз) кун мобайнида бажармаган тақдирда, Хизмат курсатувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилинмаган бўлса шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

14. Буюртмачи Хизмат курсатувчига топширган автомобил йулига уз вақилини – техник қузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади шунингдек, Хизмат курсатувчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиклиниги текширади.

15. Техник қузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир;

16. Техник қузатувчи Хизмат курсатувчи томонидан ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йиғилишларда иштирок этиш ҳуқуқига эга;

17. Хизмат курсатувчи уз фаолияти даврида Буюртмачининг вақилини (техник қузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йул қисмигача бориб қелишига транспорт, иш жойи, лозим топилганда ётоқ жой (дала шароитида) таъминлашни уз зиммасига олади;

18. Хизмат курсатувчи бажарилган ишларнинг ҳажмларини, ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-ҳаражатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник қузатувчи билан ҳар ойнинг 20 кунидан 25 кунигача йулнинг узида қуриб чиқади ва тулик маълумотларни (белгиланган шақилларда ижро ҳужжатлари билан) кейинги ойнинг биринчи кунига қадар расмийлаштириб Буюртмачига топширади.

19. Хизмат курсатувчи хизмат қурсатаётган автомобил йулида умумий тартибни таъминлайди.

20. Хизмат курсатувчи шартнома даврида мазкур йул буйича саклаш ишларининг ойма-ой бажарилишига, йулдаги ноқонуний объектларга, йулни ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш ишларига, йул сиёсатини олиб боришга, йул экологиясига, йул айби билан боглик йул транспорт ходисасига йулни назорат килувчи органлар олдида жавобгардир.

21. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг хар бир тури (боскичи) буйича кабул килиб олиш уларнинг кейинги тур (боскич) ишлари бошлангунга кадар бажарилишига караб амалга оширилади. Ишларни куйидаги таркибдаги комиссия кабул килиб олади: Буюртмачининг вакили-техник назоратчи (раис), Хизмат курсатувчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур холларда), лойиха ташкилоти вакили (кутариб турувчи конструкцияларни кабул килиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни кабул килиб олиш натижалари урнатилган шакл буйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда кабул килинадиган ишларнинг лойиха, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиклик даражаси акс эттирилади, шунингдек кабул килинадиган ишларга бахо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага улчовлар кайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова килинади (лозим топилганда).

22. Хизмат кузатувчи Буюртмачининг ишларини йул булими иш юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

23. Хизмат кузатувчи Хизмат курсатаётган автомобил йулининг техник холати, йулда содир этилаётган ходисалар, узгаришлар тугрисида хар кунлик тезкор хабарномани Буюртмачига факс (8-371 212-70-37) оркали етказилади. Йулдаги тулик узгаришларни, харакат хавфсизлигини таъминлаш буйича хисоботни (22-курсаткични) хар ойнинг 25-кунига ёзма равишда Буюртмачига такдим этади.

24. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу хақда хабардор килинмаган булса, ёки кечикиб хабардор килинган булса, у холда техник назоратчининг талаби буйича Хизмат курсатувчи беркитилган ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдур.

25. Хизмат курсатувчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар Хизмат курсатаётган йулнинг сифатига ва кийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

Йулда бажарилган ишларни ойма-ой кабул килиб олиш Буюртмачи ва Хизмат кузатувчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишлар ва килинган сарф-харажатлар тасдиқланган сметага ва ажратилган лимитга мувофик белгиланган шаклда маълумотнома-хисоб-фактура билан, микдор ва киймат курсаткичлари хисоб-китоб жадвалида акс эттирилган холда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

26. Агар Буюртмачи Хизмат курсатувчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлиги аниқланса, у холда Хизмат курсатувчи уз кучлари ва маблағлари хисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

27. Хизмат курсатувчи шартномага имзо чеккан вақтдан бошлаб шартнома тугагунга кадар йул булимининг дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Хизмат курсатувчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, кунлик уртача хаво харорати ва ёгингарчиликлар, шунингдек автомобил йулига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

28. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Хизмат курсатувчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.

29. Хизмат курсатувчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 5 (беш) кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. АВТОМОБИЛ ЙУЛЛАРИНИ КУРИКЛАШ

30. Хизмат кузатувчи шартномада курсатилган йулни, сунъий иншоотларни, йул элементларини, йулга тегишли дарахтларни, гулларни, йул булими базасини, курилиш материалларни асбоб-ускуналарни, курилиш техникаси ва бошка мол-мулкларни зарур даражада курикланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ

(Форс-Мажор) холатлари

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

32. Агар томонлар 2 (икки) ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

XII. КАФОЛАТЛАР

33. Хизмат курсатувчи:

барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

харажатлар сметаси ва жорий йилга ажратилган лимит доирасидан курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни сифатли бажаришни;

узи томонидан саклаш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда, техник шартларга мувофиклигини ;

йуларни саклаш ишлатиладиган мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди .

34. Агар Буюртмачининг вакили томонидан берилган курсатмалар (сифатсиз бажарилган ишлар) кейинги ойнинг охиригича бажарилмаса, нуксонлар аникланса у холда Хизмат курсатувчига бажарилган ишлари учун туланадиган маблагдан чегириб колиш хукукига эга;

35. Хизмат курсатувчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишда ёки имзолашдан бош тортган такдирда, уларни текшириб чикиш Ўзбекистон Республикаси Автомобил йуллари кумитаси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича хужалик судига мурожат килишини истисно этмайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин йулларни саклаш ишларининг бошланиши Буюртмачига боглик булмаган сабабларга кура Хизмат курсатувчи томонидан бир хафтадан куп вақтга кечиктирилганда:

Хизмат курсатувчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тutilган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. **Хизмат курсатувчи:**

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда:

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор қилишнинг талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Хизмат курсатувчининг қўшма қарорига қўра 15 кун муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Хизмат курсатувчига тулайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қондасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

40. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

41. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошка қонун хужжатларида ҳамда, мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

42. Саклаш ишларини олиб бораётган Хизмат курсатувчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофик Буюртмачи олдида қуйидаги ишлар буйича мулқий жавобгардир.

Сифатсиз бажарилган ишлар ва хизматларга:

Ўзбекистон Республикаси Автомобил йуллари қўмитаси, Буюртмачи, тегишли текширувчи органларнинг курсатмаларини белгиланган муддатда тугалланмаганлигига; Йулдаги экологиянинг бузилишига:

саклаш ишлари жараёнида назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йул қуйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суришга;

йулни қабул қилинган пайтдаги ҳолатига қараганда хизмат курсатиш даврида йулнинг техник ҳолати ёмонлашувиغا;

йул ва йул элементларининг асоссиз қамайиб кетишига ва йуқолишига;

шартномада қўзда тутилган бошка мажбуриятларни бажармагани ёки тулақонли бажармаганлигига тулик мулқий жавобгардир.

43. Агар Хизмат курсатувчи ташкилот нуқсонларни қелишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи Хизмат курсатувчи ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда, нуқсонларни уз вақтида бартараф этилмаганлигидан қелтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

44. Агар Хизмат курсатувчи ташкилот мазкур шартномага асосан йул ва йул иншоотларини талаб даражасидай сакламаса ёки йулнинг айби билан содир этилган йул-транспорт ходисасига жавобгардир.

45. Хизмат курсатувчи томондан йул хавфсизлиги билан боғлиқ курсатгичларни саклаш ишларини уз вақтида бажармаган бўлса, Хизмат курсатувчи Буюртмачига муддати утқазиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 % микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган Хизматлар қийматининг 50%дан ошмаслиги лозим.

46. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Хизмат курсатувчи Буюртмачига муддати утқазиб юборилмаган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2% микдорида пеня тулайди,

бунда пенянинг умумий суммаси йиллик бажарилган ишлар қийматини 50%дан ошмаслиги керак.

47. Буюртмачи Хизмат курсатувчининг бажарилган ишлари хажмидан ёки молиявий хисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа туловлар буйича мажбуриятларини уз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар хисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

XV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этаолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хужалик суди томонидан қуриб чиқилади.

XVII. АЛОХИДА ШАРТЛАР

49. Хизмат курсатувчи Буюртмачининг ёзма рұхсатисиз, йулларни сақлаш ишларига ёрдамчи пудратчиларни жалб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

50. Буюртмачи билан Хизмат курсатувчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқланади.

51. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

52. Мазкур шартнома газначилиқда рўйхатга олингандан кейин ҳақиқий хисобланади.

53. Мазкур шартнома бир хилда юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«БУЮРТМАЧИ»

«ХИЗМАТ КУРСАТУВЧИ»

«Камчикавтойул» ИЙФУК

«Камчикавтойул» ИЙФУК

Манзил: Наманган вил. Поп т. Резак к.
А-373 «Тошкент–Уш» а/й. 230-қм.
Тел: (71 212-70-51, 71 212-70-55)
х/р: 23 402 000 300 100 001 010
банк: ХККМ М.Б. Тошкент ш. Б.Б.
М/х 304510860142197045162118001
МФО: 000 14 ИНН: 201 122 919

Манзил: Наманган в. Поп т, Резак к.
А-373 «Тошкент–Уш» а/й. 230-қм.
Тел: (71 212-70-51, 71 212-70-55)
х/р: 22 626 000 004 804 740 024

банк: ТИФ Миллий банк Бектемир бул.
МФО: 00930 ИНН: 301 341 872

«__» _____ 2022 й

«__» _____ 2022 й


П.Турсунов


О.Нематов




ХУЛОСА

Мен ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикасининг "Ҳужалик юртивчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунга ва бошқа ҳужжатлар асосида тузилганлигини қўриб чиқиб қўндаги хулосаларни билдираман:

-Мазкур битим Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 313.319.320 моддалари асосида тузилган бўлиб, тарафларнинг жавобдорлиги ва низоларнинг хал этиш тартиби Қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бериши кўзда тутилган.

Ушбу шартномани тарафлар томонидан имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Хуқуқшунос: 
Р.Бойтураев

Гувоҳнома (лицензия) № ЮК 004760

